



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 6 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 6

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 6



ТОШКЕНТ-2020

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Хамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адхам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчехра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Рахбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат
техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий
университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий
университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий
университети*

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1.Рафикжон Атаханов ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҚОРАҚАЛПОҚЛАРИДА АНЪАНАВИЙ ЧОРВАЧИЛИК ХЎЖАЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ (хўжалик-маданий анъаналар тавсифи ва таҳлили).....	4
2.Фахриддин Абдулбоқиев ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИННИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИ ВА МАВЖУД МУАММОЛАР.....	10
3.Илхомжон Гуламов XIX АСР ОХИРИ ТУРКИСТОНДА АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ: ТАРИХ, ТАҲЛИЛ ВА ХУЛОСАЛАР.....	18
4.Дилшод Комолов ТУРКИСТОН АССРДА АНЪАНАВИЙ СУДЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ.....	24
5.Фазилат Нурметова ЎЗБЕКИСТОН-ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ЎЗАРО АЛОҚАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ (2000-2020 йиллар).....	31
6.Рислиғой Расулова ТУРКИСТОН ТАТАР ДИАСПОРАСИ МАСАЛАСИ ТАРИХШУНОСЛИГИГА БИР НАЗАР.....	37
7.Нилуфар Рахматова ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИК ВА УНДА ХОТИН -ҚИЗЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР.....	44
8.Дилшода Рўзиева ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН: ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА АЁЛ МАЪНАВИЯТИНИНГ ЎРНИ.....	50
9.Шавкатжон Тўланбоев ГЛОБАЛЛАШУВ ВА МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАР МАСАЛАСИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ.....	55
10.Бахтиёр Халмуратов, Мадина Бахриддинова МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙ МУЛКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.....	61
11.Солижон Қудратов ҚАДИМГИ ФАРҒОНА (ДОВОН) ПОДШОЛИГИ ТАРИХИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.....	68
12.Шахноза Холикулова ҚУЙИ ЗАРАФШОН ВОҲАСИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ.....	74


ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Рафиқжон Атаханов,

Андижон машинасозлик институти стажёр-тадқиқотчиси

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҚОРАҚАЛПОҚЛАРИДА АНЪАНАВИЙ ЧОРВАЧИЛИК ХЎЖАЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ (хўжалик-маданий анъаналар тавсифи ва таҳлили)

For citation: Rafikjan Atakhanov, PECULIARITIES OF TRADITIONAL LIVESTOCK BREEDING IN KARAKALPAK PEOPLE OF FERGANA VALLEY (description and review of economic and cultural traditions). Look to the past. 2020, vol. 6, issue 3, pp.4-9

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-6-1>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Фарғона водийсида яшовчи йирик этнослардан бири бўлган қорақалпоқлар, уларнинг чорвачилик билан боғлиқ хўжалиги, унинг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган. Мақолада шунингдек, водийлик қорақалпоқларининг Сирдарё бўйларига келиб жойлашуви тарихи, анъанавий чорвачиликлардаги этноинтеграцион жараёнлар ҳам таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Фарғона водийси, этнослар, қорақалпоқлар, ўзбеклар, хўжалик анъаналари, чорвачилик, яйлов чорвачилиги, хонаки чорвачилик, этнографик гуруҳ, қорамол, дарё, сув ҳавзалари, кўчманчилар, яримкўчманчи, ярим ўтроқ, миграцион жараёнлар.

Рафиқджан Атаханов,

Стажёр-исследователь Андижанского
машинастроительного института

СВОЕОБРАЗИЕ ТРАДИЦИОННОГО ЖИВОТНОВОДЧЕСКОГО ХОЗЯЙСТВА КАРАКАПАКОВ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ (теоретико-методологические проблемы глобализации и изучения духовных угроз)

АННОТАЦИЯ

В данной статье описываются каракалпаки, одна из крупнейших этнических групп, проживающих в Ферганской долине, их животноводческое хозяйство, его особенности. В статье также анализируется история заселения на берегах Сырдарьи каракалпаков долины, этноинтеграционные процессы в традиционном животноводстве.

Ключевые слова: Ферганская долина, этносы, каракалпаки, узбеки, хозяйственные традиции, животноводство, полевое животноводство, домашнее животноводство, этнографическая группа, река, водохранилища, кочевники, полукочевники, полуоседлые, миграционные процессы.

Rafikjan Atakhanov,
Trainee researcher of Andijan machinery institute

PECULIARITIES OF TRADITIONAL LIVESTOCK BREEDING IN KARAKALPAK PEOPLE OF FERGANA VALLEY

(description and review of economic and cultural traditions)

ABSTRACT

In this article Karakalpaks, one of the biggest ethnoses living in Fergana valley, their economy related to livestock breeding, its peculiarities are revealed. Also, the history of the settlement of Karakalpaks from the valley on the Sirdarya river, ethnointegrational processes in traditional livestock breeding are analyzed in the article as well.

Index Terms: Fergana valley, ethnos, Karakalpaks, Uzbeks, economical traditions, livestock breeding, pasture livestock breeding, domestic livestock breeding, ethnographic group, cattle, river, water reservoirs, nomadic, half-nomadic, half-settled, migration processes.

1.Долзарблиги:

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Республика аҳолисинингэнг зич жойлашган ҳудудларидан бири ҳисобланган Фарғона водийси ўзининг бир қатор хусусиятлари, хусусан, табиий-географик ўрни, хўжалик юритиш усули ваўзига хос этноҳудуд эканлиги билан ҳам Ўрта Осиёнинг бошқа тарихий-маданий минтақаларидан фарқланади. Фарғона водийсининг турли этник гуруҳлардан иборат ранг-баранг таркиби кўп асрлик миграцион ва этник жараёнлар натижасида шаклланган.

Мазкур тарихий-этнографик ҳудуд аҳолисининг этник таркибидаги ўзига хослик шундаки, бу ерда кўп сонли ўзбек, қирғиз ва тожик халқлари билан тарихнинг турли даврларида, турли сабаблар билан кўчиб келган сон жиҳатдан унча кўп бўлмаган этнослар ҳам истиқомат қилади. Мана шундай кам сонли этнослардан бири қорақалпоқлардир.

Тарих тақозоси билан XVIII асрнинг биринчи ярмидан жунғорлар ҳужумидан сўнг Фарғона водийсига келиб ўрнашиб қолган қорақалпоқларқарийибуч аср мобайнида водийдаги этник жараёнларда фаол иштирок этиб келмоқда.

2. Методлар:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, ҳолислик тамойиллари асосида ёритилган. Чунончи, қорақалпоқларнинг анъанавий машғулоти турига мос равишда водий ҳудудига жойлашиш тарихи ва хусусиятлари ҳақида Л.С.Толстова, Ш.И. Иноғомов, В.Р.Винников ва С.С.Губаеваларнинг асарларида қимматли маълумотлар келтирилган[2:С.21].

3.Тадқиқот натижалари:

Маълумки, қорақалпоқлар водий ҳудудига кўчиб келиб жойлашар экан, аввало, ўзларининг тарихан таркиб топган азалий ватанларида шуғулланиб келган анъанавий “чорвачилик-деҳқончилик-балиқчилик”ка асосланган хўжалик юритиш типини сақлаб қолган эди[1:С.17]. Ушбу хўжалик юритиш усули қорақалпоқларнинг водий бўйлаб жойлашувларида ҳам ўз характери сақлаб қолган бўлиб, қорақалпоқлар имкон қадар дарё, кўл ва сув ҳавзалари бўйига жойлашишга ҳаракат қилган.

Водийлик қорақалпоқларининг дарё бўйларида жойлашувининг анъанавий чорвачилик билан боғлиқ жиҳатлари улар яшаётган қишлоқларда олиб борилган дала-этнографик экспедиция натижалари ва сўровномалари ҳамда кекса ёшдаги ахборотчилардан олинган ривоятларида ҳам ўз аксини топган[3. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Данғара тумани Уймовут қишлоғи. 2009 йил]. Чунончи, водий ҳудудида яшовчи кўпгина қорқалпоқ информаторлари фикрича, “биз Сир ёқалаб кетаверамиз, не бўлсаям Сир бўйларида тўқайзорлар, қамишзорлар кўп. Дарё бўйлари чорва– мол, қўй, йилқи боқиш учун анча қулай...” – дебайнан дарё ва кўллар бўйлаб жойлашганликларини таъкидлади [4.Дала

ёзувлари. Фарғона вилояти Данғара тумани Уймовут қишлоғи; Наманган вилояти Поп тумани Кенагас қишлоғи; Наманган вилояти Мингбулоқ тумани Кемабоши ва Қирқчек қишлоқлари. 2009 йил]. Зеро, дарё ва қўл бўйлари қорақалпоқларнинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилиб келган.

Чорвачилик – Ўзбекистон аҳолиси хўжалик фаолиятининг энг қадимий турларидан биридир. Хусусан, водийнинг барча ярим кўчманчи аҳолисининг чорвачилик хўжалигини юритишда қирғиз, қипчоқ, курама, қорақалпоқ каби этник жамоалар муҳим ўрин эгаллаган. Мазкур этник гуруҳлар чорвачилик машғулотида кўплаб ўхшашликлари билан бирга уларнинг чорва ҳайвонларини боқишдаги ўзига хос усуллари ва жиҳатлари бўлганлиги табиий. Шунингдек, турли этнослар таъсирида, табиий-географик шароитлар туфайли ҳамда кўшни халқлар таъсири натижасида чорвачилик хўжалигини юритишнинг хилма-хил усуллари мавжудлигини кўриш мумкин.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг чорвачилик хўжалигига бағишланган махсус адабиётларда яйлов чорвачилигининг ўзига хос томонлари ва уларнинг асосий жиҳатлари қайд қилинган. Ушбу хусусиятлар асосида аввало, чорва ва чорвадор оила аъзоларининг қанча вақт чорва билан бирга яйловда бўлишлари, чорвани қанча узоқликдаги яйловларда боқилиши каби мезонлар ётади. Чорва хўжалигини юритишда этносларнинг хўжалик-маданий типларига қараб “яйлов чорвачилиги” ва “хонаки чорвачилик” типларига ажратиш мумкин. Шунингдек, ярим ўтроқ чорвачилик ёки ўтроқ хўжаликнинг бир соҳаси сифатида чорвачилик билан шуғулланувчи этник жамоалар ҳам бор. Бу чорвачилик типлари турли ҳудудларда ўзига хос варинатларга эга бўлиб, ўтроқ аҳолида чорва боқишнинг – “қўра” ёки “қўра-яйлов” тизими, ярим ўтроқ аҳолида – “ҳайдов-яйлов” тизими, кўчманчи аҳолида эса “яйлов” тизими устун турган [5:Б.165].

Ўз ўрнида шуни қайд этиш ўринлики, қорақалпоқларнинг водийга кириб келгунларига қадар чорва ҳайвонларини боқиш учун мўлжалланган асосий яйловлар, тоғ ва адирликлар бошқа чорвадор халқлар, хусусан қирғизлар томонидан эгаллаб бўлинган эди. Шу боис, қорақалпоқ чорвадорлари чорва ҳайвонларини боқиш учун янги яйловлар излаб топишга мажбур бўлган. Марказий Фарғонадаги “Қорақалпоқ чўли” ушбу этник гуруҳ учун яйлов вазифасини ўтаган эди [6:С.36].

Водий қорақалпоқларини анъанавий чорвачилик хўжалиги ҳақида тўхталганда, уларнинг чорвачилик хўжалиги асосини йирик шохли моллар ташкил этганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки, бошқа этнослар чорвачилигининг асосини ташкил этган от ва туяларда ўтиш ва юриш мумкин бўлмаган қамишзор, чакалакзор ва ботқоқлижойлардан қорақалпоқларнинг йирик шохли чорва моллари ўтиши имкони бўлган. Бу турдаги чорвачилик юритиш усули яримўтроқ этносларга хос бўлиб, кўчманчи чорвадор халқлардан фарқ қилган [7:С.18].

Қорақалпоқларнинг чорвачилик хўжалигида йирик шохли моллар билан бирга от, қўй, эчки ҳамда кам миқдорда бўлсада, эшак ва туялар боқилган. Чорвадор қозоқ халқларида водий қорақалпоқларидан фарқли равишда чорванинг асосий таркибини майда шохли ҳайвонлар – қўйлар, туя ва отлар ташкил этган. Қозоқларда туя ва отлар асосан, узоқ яйловларга чиқиш, кўчиб ўтишда анча қўл келган. Хўжалик юритишда деҳқончилик устун ҳисобланган чорвачилик билан шуғулланувчи яримўтроқ қорақалпоқларда эса бунинг акси ўлароқ йирикли шохли моллар (қисман отлар) қишлоқ хўжалиги ерларига ишлов бериш ва улардан юк ташиш воситаси сифатида фойдаланилган. Майда шохли ҳайвонлар – қўй, эчкилар асосан, бозорларда сотиш учун боқилиб, бу турдаги ҳайвонлар ҳар бир қорақалпоқ хонадонидан мавжуд эди.

Қуйидаги статистик маълумотларда Фарғона қорақалпоқлари чорва ҳайвонларини унинг турларига нисбатан таҳлилини кўриш мумкин: “1917 йилдаги Бутунроссия қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш маълумотлари”га кўра, Қўкон уездининг қорақалпоқлар зич яшайдиган Қорақалпоқ волости аҳолисининг чорвачилик хўжалигидаги чорва ҳайвонларини 49% ини йирик шохли моллар, 32 % ини қўй, 14.7% ини от, 3.8 % ини эчки, 0.3% ини эшак ҳамда 0.2% ини эса туялар ташкил этган [8:С.439].

XIX аср охири – XX аср бошларида чорва молларининг кўпи аҳолининг маълум бир қисмида тўпланиб, жумладан нисбатан бойроқ аҳоли қатламиминглаб кўй ва юзлаб қора молларга эга бўлган. Асосан, чорвадор бойларга тегишли бўлган кўп сонли майда, шунингдек, кам миқдордаги йирик шохли чорва моллари йилнинг ёз мавсумида водийни ўраб турувчи тоғ ён бағирлари ва тоғли яйловларда ҳайдаб боқилган. Бу усулдаги чорва боқиш “ҳайдаб боқиладиган чорвачилик” – деб аталган. Чорва молларини боқиш учун унинг эгаси, ўғиллари ва чўпонлари – “кўйбоқарлари” билан яйловда (Жазлау-Ёзлов) бутун ёз мавсумини ўтказган [9:С.68].

Фарғона қорақалпоқлари чорвачилик хўжалиги ўтроқ ўзбеклардан жиддий фарқ қилган. Жумладан, чорвачиликнинг бу типдаги усули маҳаллий ўзбекларда ҳам бўлган, аммо қорақалпоқларда бўлганидек, ўзбек чорвадорлари тоғватоғолди яйловларига оиласи билан чиқмаган. Водий ва Хоразм қорақалпоқлари анъанавий чорвачилик хўжалигини юритишида унинг барча жиҳатлари бўйича умумийлик характери сақлаб қолинган эди. Масалан, чорва ҳайвонларини тури, улардан фойдаланиш, сақлашда фарқ кузатилмаган. Ҳатто чорвачиликдан олинадиган сут ва сут маҳсулотлари, жумладан, қатик, ёғ олиш, курт, айрон тайёрлашда деярли бир хил усулдан фойдаланилган.

Фарғона қорақалпоқларининг асосий қисми ўзининг унчалик кўп бўлмаган чорва ҳайвонларини тоғларга ҳайдаб кетиб боқиш имкониятига эга эмас эди. Улар ўзлари яшаётган дарё ва кўл бўйларидан унча узоқ бўлмаган масофада ем-хашаклар етарли бўлган ерларда жойлашиб, ишдан бўш вақтларда балиқ тутиш ва қамишдан бўйра тўқиш каби қўшимча меҳнат билан шуғулланган. Ўртаҳол қорақалпоқлар чорваларини қишлоқ атрофи яйловлар, қамишзорлар, дарё ва кўл бўйларида боққан.

Қорақалпоқларнинг камбағал қисмида чорва моллари жуда кам бўлиб, уларда 1–2 бош, айримларида эса умуман чорва ҳайвонлари бўлмаган. Бу тоифа қорақалпоқлар чорва ҳайвонларини боқишга махсус – подачи ёллаган. Қорақалпоқлар подачига чорва молларини олиб чиқиб берган, подачи бутун қишлоқ ёки маҳалла чорвасини бир қилиб боқиб келган. Подачининг бутун ёз мавсумида вомидаги хизматига ҳар бир чорва моли учун $\frac{1}{2}$ пуд дон (жугари), эчки ва кўй учун $\frac{1}{4}$ пуд миқдоридан жугари олган [10:С.69].

Шунингдек, чорва ҳайвонларини боқувчи-подачиларга “Ҳаққалок” ёки “Ҳаққала”, яъни ҳар бир хонада он навбатма-навбат бир қадок оғирлигида овқат берган. Мазкур атама “ҳақ” ва “қадок” сўзининг бирикмасидан келиб чиққан бўлса керак, чунки “ҳақ” бу подачининг хизмати, “қадок” эса қадимги Шарқ оғирлик ўлчов бирлиги бўлиб, у 409.5 граммга тенг бўлган [11:Б.659]. Подачи вазифасига кўра, чорва молларини боқиш ва кун қайтиши билан эгаларига қайтариш бўлган. Бу кундалик юмуш қишлоқ давригача давом этган.

Ёз ойи охирида яйлов чорвачилиги яқунланиб, уларнинг аксарияти қишлоқ манзилгоҳларига шароитга қараб кўчиб ўтган. Қиш мавсумида чўпонлар ёлланмаган. Чорва ҳайвонлари қиш мавсумида сақлаш ва боқиш учун ёз ойларида ғамлаб кўйилган ем-хашакларга яқин бўлган махсус қамишдан тайёрланган жойларда боқилган. Шунингдек, қорақалпоқ хўжаликларда гуваладан молхона, отхона ва бостирмалар ҳам қурилган. Майда шохли ҳайвонлар учун қўралар қурилиб, унинг атрофи қамиш билан ўралган. Чорва моллари учун озуқа сифатида: пичан, хашак, похол, маккажўхори ва жуғори поялари, сомон, беда каби ем-хашак жамғарилган.

Қорақалпоқларнинг анъанавий машғулоти бўлган чорвачилик ва ундан олинган хунармандчилик, сут ва сут маҳсулотлари қорақалпоқ хўжалигида муҳим ўрин эгаллади. Гўшт ва сут маҳсулотлари хўжаликнинг озиқ-овқат эҳтиёжларини қондирган бўлса, чорва хўжалигининг хом ашёси бўлган ҳайвон терисини ошлаш ва чармдан буюм тайёрлаш водий қорақалпоқларини хунармандчилик соҳасида кигиз, олача, гилам, пўстин, турли бош ва оёқ кийимлари маҳсулотларини тайёрлаш имконини берган.

Юқорида қайд этилганидек, Фарғона водийси қорақалпоқлари бошқа турдаги чорва молларга нисбатан йирик шохли молларни боқиш ва кўпайтириш билан кўпроқ шуғулланган. Аслида, улар йирик шохли молларни кўпайтириш билан азалдан, ушбу худудга

кўчиб келгунларига қадар ҳам машғул бўлган. Қолаверса, улар жойлашган водий ҳудудлари, айниқса Сирдарё бўйлари йирик шохли молларни боқиш учун кенг имкон берган. Хўжалик тизимини асосини ташкил этувчи чорвачилик XVIII аср охири – XIX аср бошларидаёқ водийнинг ярим кўчманчи (яримўтроқ) аҳолиси бўлган қорақалпоқларнинг анъанавий машғулотига айланиб улгурган эди.

Чорвачилик ижтимоий-иқтисодий муносабатларда, хўжалик тузилмасида этнослараро интеграция жараёнида узлуксиз давом этган. Мазкур жараён Фарғона водийси ҳудудидаги барча яримкўчманчи (яримўтроқ) этник жамоалар хўжалигида XVIII аср охири – XIX аср давомида чорвачилиқдан деҳқончилик сари тараққий этишда ўз ифодасини топган.

XX аср бошларига келиб Фарғона қорақалпоқлари хўжалигида маҳаллий ўзбеклар таъсирида интеграцион жараёнлар натижасида деҳқончилик муҳим ўрин тута бошлади. Бу ҳолат ижтимоий-иқтисодий муносабатларда, хўжалик юритиш тизимида чорвачилиқдан деҳқончилик сари тараққий этишда ўз ифодасини топа бошлади. Фарғона водийсининг текислик қисмидаги ўтлоқларни деҳқончилик учун тобора кўпроқ ўзлаштирилиб бориши оқибатида чорвани узоқроқ яйловларга ҳайдаш кучайди. Яйловларда водийнинг кўплаб этник жамоалари – қирғиз, қипчоқ, турк, қурама, юз, қорақалпоқ ҳамда ўтроқ ўзбек ва тожиклар чорвачилигида этнослараро жараёнлар жадал ривожланиб, мазкур этник жамоалар ўртасидаги этномаданий алоқалар мустақамланишида муҳим аҳамият касб эта бошлади.

4. Хулосалар:

XIX–XX аср бошларида Фарғона водийсида истиқомат қилувчи ўтроқ ўзбек, тожик ва уйғурлар хўжалигида деҳқончилик ва ҳунармандчилик; қирғиз, қипчоқ, турк, қурама, юз, қорақалпоқларда эса анъанавий чорвачилик машғулотлари яхши сақланиб қолган эди. Фарғона водийси қорақалпоқлари билан ёнма-ён яшаб келаётган ўзбек хонадонларидан олинган маълумотларга кўра, қорақалпоқларда ҳозиргача зотдор йирик шохли моллар кўплаб боқилади, бозорларга улар олиб чиққан моллар харидоргир бўлган [12. Дала ёзувлари. Андижон вилояти Улуғнор тумани Мингбулоқ қишлоғи. 2013 йил]. Турли этник жамоаларнинг хўжалигидаги бундай анъанавийлик ўз ўрнида мазкур халқлар турмуш тарзи ва маданиятидаги кўплаб этнографик белгиларни сақланиб туриши учун имконият яратади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Толстова Л. С. Каракалпаки Ферганской долины (историко-этнографический очерк). – Нукус, 1959. – С.17. (Tolstova L.S. Karakalpaki of the Ferghana Valley (historical and ethnographic essay). – Nukus, 1959. - P.17.)
2. Толстова Л.С. Материалы по этнографии Ферганских каракалпаков / КСИЭ. – М., 1954. – С. 21; Иногамов Ш.Н. Этнический состав населения этнографическая Ферганской долины в границах Уз ССР: Дисс. к.и.н. – Ташкент, 1955; Губаева С.С. Население Ферганской долины в конце XIX – начале XX века / Этнокультурные процессы. – Ташкент, 1991; Ўша муаллиф: Этнический состав населения Ферганы в конце XIX начале XX вв. – Ташкент: Фан, 1983; Винников В.Р. Современное расселение народов и этнографических групп в Ферганской долине / СЭС. – М., 1959. Т. II. (Tolstova L.S. Materials on the ethnography of Ferghana Karakalpaks / KSE. - M., 1954. - S. 21; Inogamov Sh.N. The ethnic composition of the ethnographic population of the Ferghana Valley within the borders of the Uz SSR: Diss. Ph.D. - Tashkent, 1955; Gubaeva S.S. The population of the Ferghana Valley in the late XIX – early XX century / Ethnocultural processes. - Tashkent, 1991; mysha muallif: The ethnic composition of the population of Ferghana in the late XIX and early XX centuries. – Tashkent: Fan, 1983; Vinnikov V.R. Modern resettlement of peoples and ethnographic groups in the Ferghana Valley / SES. - M., 1959. T. II.)
3. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Данғара тумани Уймовут қишлоғи. 2009 йил. (Field records. Uymovut village of Dangara district of Fergana region. 2009.)

4. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Данғара тумани Уймовут, Қорақалпоқ, Қудук қишлоқлари; Наманган вилояти Поп тумани Кенагас қишлоғи; Наманган вилояти Мингбулоқ тумани Кемабоши ва Қирқчек қишлоқлари. 2009 йил. (Field records. Uymovut, Karakalpak, Kuduk villages of Dangara district of Fergana region; Kenagas village of Pop district of Namangan region; Kemaboshi and Kirkchek villages of Mingbulak district of Namangan region. 2009.)
5. Аширов А., Атаджанов Ш. Этнология (қўлланма). – Тошкент, 2007. – Б. 165. (Ashirov A., Atadjanov Sh. Ethnology (manual). - Tashkent, 2007. - B. 165.)
6. Толстова Л.С. Каракалпаки Ферганской долины (историко-этнографический очерк). – Нукус, 1959. – С. 36. (Tolstova L.S. Karakalpakki of the Ferghana Valley (historical and enographic essay). - Nukus, 1959. – S. 36.)
7. Среднеазиатский этнографический сборник. Вып.IV. –Москва: Наука, 2001.– С.18. (Central Asian ethnographic collection. Issue IV. –Moscow: Nauka, 2001.– P.18.)
8. Народы Средней Азии и Казахстана / Под ред.С.П.Толстова, Т.А.Жданко, С.М.Абрамзон, Н.А.Кислякова. – М., Наука, 1962. – С.439. (The peoples of Central Asia and Kazakhstan / Edited by S.P. Tolstov., T.A. Zhdanko., S.M. Abramzon., N.A. Kislyakova. - M., Science, 1962. - P.439.)
9. Толстова Л. С. Каракалпаки Ферганской долины... – С.68. (Tolstova L. S. Karakalpakki of the Ferghana Valley ... – P.68.)
10. Толстова Л. С. Каракалпаки Ферганской долины... – С.69.(Tolstova L. S. Karakalpakki of the Ferghana Valley ... – P.68.)
11. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т. 10. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2005. – Б. 659. (National Encyclopedia of Uzbekistan. T. 10. - Tashkent: UzME, 2005. - B. 659.)
12. Дала ёзувлари. Андижон вилояти Улуғнор тумани Мингбулоқ қишлоғи. 2013 йил.(Field records. Mingbulak village of Ulugnor district of Andijan region. 2013.)

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 6 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 6

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 6

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000